

### Сиз миллат ғурури, шону шавкати

Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда барча спорт базалари замонавийлаштирилмоқда. Фақатгина сўнги уч йил ичида Мудофаа вазирлигига қарашли спорт иншоотларини жиҳозлаш учун 511 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

4-бет

### Қорбобо

Ёруғликдан бир пас кўзим камашди, вужудимни аллақандай ҳислар чулғаб олди, беихтиёр Қорбободан нафратлана бошладим. Бошимда ўзим билмаган, туншунмаган хаёллар ғужгон ўйнарди.

9-бет

### Садағанг кетай, реклама!

Бошқаларни билмадиму, шахсан мен айрим рекламаларни «мириқиб» томоша қиламан. Баъзи рекламалардан шунчалик «завқ» оламанки, беихтиёр «Садағанг кетай!» — деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қоламан.

10-бет

### Мучалингизни биласизми?

Япон ривоятларида айтилишича, одам қайси ҳайвоннинг йилида туғилган бўлса, ўша ҳайвонга хос хусусиятларга эга бўлар эмиш.

12-бет



Олий Бахт

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 13 январь,  
шанба № 6-7 (2264)

# ИШОНЧИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимоячиси деган шарафли ва олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуг сана - Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ўн беш йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Биз ўтган 15 йил мобайнида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Куролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўламли ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимизда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясига асосланиб, Марказий Осиё минтақасида тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, юзага келаётган таҳдид ва хатарларнинг ҳар томонлама чуқур таҳлили ва Куролли Кучларни барпо этишнинг мулақо янги принциплари негизда армиямизни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган Дастур яратилди. Бу борада биз ўз олдимизга қўйган бош мақсад - ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратишдан иборат эди.

Шундай ўта муҳим ва ўта масъулиятли вазифаларни амалга ошириш йўлида ғоят қисқа вақт ичида чегаравий минтақалар, ҳарбий округлар тузилди, Мудофаа вазирлигининг бўлими ва қисмларини, чегара қўшинларини, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона, кучли тизимга бирлаштирган Куролли Кучларимизнинг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди, уларнинг ўзаро уйғун ҳаракатини таъминлайдиган ва мувофиқлаштирадиган яхлит тизим шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Бирлашган штаби тузилди ва у бугунги кунда ўқув-машқ тайёргарлиги, тезкор-стратегик бошқарув ва режалаштириш, қўшинларнинг жанговар фаолиятини ташкил этиш сингари масъулиятли ишларга раҳбарлик қилиш бўйича муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Куролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлиналарининг принципиал нуқтаи назардан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди. Бўлимлар, роталар, полклар, ёрдамчи бошқарув пунктлари ва шу каби етарли самара бермайдиган бўлиналар тугатилди. Бу ўзгаришлар ўз навбатида армиямиз ва уни қисмларининг юқоридан қуйиғача бўлган қурилишини тубдан қайта ташкил этиш, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини, жанговар имкониятларини кучайтириш, энг муҳими, барча даражадаги командирларнинг мустақиллигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган Махсус операциялар бўйича кучларнинг қисмлари ташкил этилди. Ўзига хос алоҳида тайёргарлик тизимига эга бўлган, замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланган ушбу бўлиналар эҳтимол тугилаётган душмanning ҳар қандай тажовуз-корона хатти-ҳаракатларига муносиб зарба беришга қодир қудратли куч сифатида шаклланди. Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари тоғли ҳудудларига суқилиб кирган халқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операциялар бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилиши, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлангани, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилгани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш жараёни амалда яқунлангани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартирганини қайд этиш зарур.

(Давоми 2-бетда.)



К. Тўраев олган сурат

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОН И

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан  
ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари,  
Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар  
вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини  
мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига кўшаётган катта хиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН АЛОКА ХОДИМИ»**

**Магдиев Нигматжан Арижанович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН АРТИСТ»**

**Абдухалилова Мухаррам Ташпулатовна** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамблининг хонандаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Колотова Римма Георгиевна** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртининг катта ўқитувчиси

**Мамлакатимиз Куролли кучларининг жанговар ва си-**

**ёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ачилов Шавкат Джуманович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош жарроҳи

(Давоми 3-бетда.)

Марказий банк ахбороти

1 Австралия доллари 966,82  
1 Англия фунт стерлинги 2393,71

1 БАА дирҳами 337,93  
1 АКШ доллари 1241,10

1 Хитой юани 158,88  
1 Кувалит динори 4293,72

1 ЕВРО 1613,06  
1 Россия рубли 47,04

1 Турк лirasи 860,38  
1 Япон иени 104,80

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Боши 1-бетда)

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди ва улар замонавий жанговар ўқув базалари билан таъминланди. Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айлангани, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур.

Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу фикрни сўнги йилларда Қуролли Кучларимизга муддатли ҳарбий хизматчиларни қабул қилиш асосан танлов орқали амалга оширилаётгани ҳам тасдиқлайди. Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланимоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топтомоқда.

Шуни алоҳида қайд этишимиз жозиқ, кейинги вақтда хоржий мамлакатлар, биринчи галда Россия Федерацияси билан ҳарбий-техник ҳамкорлик соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Кўшинларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Жумладан,

сўнги йилларда муддатли ҳарбий хизматчилар, сержант ва офицерлар таркибининг молиявий таъминот миқдори қарийб икки баравар оширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Ўзбекистон ўзининг ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга, деб гурур ва ифтихор билан айтиш учун барча асосларимиз бор.

Азиз ватандошлар!

Биз бугун гоёт мураккаб ва нотинч замонда яшамокдамиз. Марказий Осиё минтақасида ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, бутун дунёда давом этаётган низо ва қарма-қаршилиқлар, тобора кўламини кенгайтириб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи бизда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Буларнинг барчаси шу муқаддас заминда яшаётган, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашни, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтиришни, бунинг учун мавжуд бўлган барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишни тақозо этади.

Шу муносабат билан куйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман:

**биринчидан**, хавфсизликка қарши қаратилган замонавий таҳдид ва хатарларни таҳлил қилиш бўйича бошланган тизимли ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мавжуд хатарларнинг яқин ва узоқ муддатларда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини аниқлаш, Қуролли Кучларимизнинг мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидларга муносиб ва самарали тарзда қарши тура олиш имкониятларини баҳолашга танқидий нуқтаи назардан ёндашиш;

**иккинчидан**, кўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника, ўта аниқ ишлайдиган қуроллар, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан, шунингдек, ишончли анжом-аслаҳа ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишини янада юксалтириш, пировард натижада бир-

лашма ва қисмлар, биринчи галда терроризмга қарши бўлинмаларнинг таъминот даражасини, жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

**учинчидан**, шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш. Ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усуллари кенг жорий этиш лозим.

Барча бўғиндаги командирларнинг энг муҳим вазифаси - армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтиришдан иборат эканини яхши англаб олишимиз зарур.

Ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини оширишда ҳар йили ўтказиладиган ва аъёнага айланган қолган "Энг яхши сержант", "Энг яхши гуруҳ командири", "Энг яхши взвод командири", "Энг яхши батальон командири" каби йўналишлар бўйича танловлар айниқса муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш даркор.

Бу ишларнинг барчасидан кўзланган бош мақсад - юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича кўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Шу боис ана шундай танловларни бутун армия миқёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Танловда қатнашадиган ҳарбий хизматчиларни муносиб тақдирлаш тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳар-

бий унвонлар бериш, уларни моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш, ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришда улар учун қўшимча имтиёзлар беришни кўзда тутиш даркор;

**тўртинчидан**, кўшинлар таркибининг янада мақбул ҳолга келтириш, уларнинг ташкилий-таркибий тузилмасини, Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш. Бу йўналишдаги энг муҳим вазифа - жанговар ҳаракатлар чоғида муваффақиятга эришишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлган бирлашма ва қисмларнинг тезкор ҳаракатланиш имконияти ва ҳарбий тайёргарлигини оширишдан иборат;

**бешинчидан**, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ўз-ўзидан аёнки, бу вазифанинг аҳамияти ва моҳияти 2007 йилнинг юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган билангина боглиқ эмас, албатта. Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги шундаки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларга хавфсизлик ва барқарорликнинг чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади.

Бу ҳақиқатни барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Яна бир бор сиз, кадрдонларимиз Ватан ҳимоячилари кунини, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўн беш йиллик байрами билан самимий табриқлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, азму шижоат, шахсий ҳаётингизда бахту саодат, шарафли ҳарбий хизматингизда янги ютуқлар ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти,  
Қуролли Кучлар Олий Бош  
қўмондони

## ИСТЕЪДОД ҚИРРАЛАРИ



Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Қуролли Кучлар музейида бадиий-ижодий кўргазмаси ташкил этилди. Унда ҳарбийлар ва уларнинг оила-аъзолари томонидан яратилган санъат асарлари, хунармандчилик ва кулчилик буюмлари намуналари томошабинларга тақдим этилди. Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда йўлга қўйилган бу аъёна 7 йилдирки ҳарбийлар орасидан янги истеъдодлиларни танлаб олишга кўмаклашмоқда.

Музейда ўтмишни кўз олдингизда тўла намён этувчи тарихий расмлар, ҳарбий қурол-аслаҳа тарҳамда жанг олдида наврларнинг руҳини кўтариш, жанговарликни ошириш, галабага ишонч бағишларда муҳим аҳамиятга эга

бўлган катта ҳажмдаги ноғораларни кўриб худди ўша даврга тушиб қолгандек ҳис этади, киши ўзини. Деворга ишланган жанг майдони тасвири эса сизни жонли гувоҳга айлантиради.

Кўргазма кенг қамровлиги билан ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, истеъфодаги майор Файбулла Алиевнинг мустақилликнинг 15

йиллигига бағишланган фото альбому, Маъруф Бадаловнинг нозик дид ва бетакрор услубда яратган кулчилик буюмлари, сержант Иқбол Илҳомовнинг «Аскар отасининг сурати» ва бошқа тасвирий санъат асарлари диққатни жалб этади.

Мактуба РАҲИМЖОНОВА,  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОН И

# Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

**Карабеков Лутфулла** - Навоий вилояти прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

**Тангирбердиев Султанбай Курбанбаевич** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Сержантлар тайёрлаш олий курсининг бошлиғи

**II ДАРАЖАЛИ  
«ШОН-ШАРАФ»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Курбанов Нодир Азизович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари - махсус оператив бўлими бошлиғи

**Саидов Айбек Азадович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг бригада командири

**Сайфутдинов Ильяс Радикович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ДЎСТЛИК»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Литвякова Ольга Ивановна** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Усманов Ильдар Рустамович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот маркази бошлигининг ўринбосари

**Хамракулов Мурожидин Патиidinovich** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири ўринбосари

**«ЖАСОРАТ»  
МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдижапаров Кайпназар Наметуллаевич** - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Абдукадиров Шавкат Хамидович** - Фарғона вилояти божхона бошқармасининг муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Абдуллаев Орифжон Бобокулович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Азизов Асатулла Тошпулатович** - Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳарбий ҳаво кучлари бошқармасининг бош муҳандиси

**Аймурадов Куанишбай Юлдашевич** - Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасининг темир йўл божхона пости бошлиғи ўринбосари

**Акрамов Жасур Косимович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Аликулов Урал Менгбайевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири

**Антипин Олег Октябринович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмаджонов Дониёржон Комилович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости фельдшери

**Ашуров Салоҳитдин Саматович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Валиев Махмуд Шералиевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг Сержантлар тайёрлаш мактаби взводи ўқчиси

**Волков Андрей Владимирович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гордеев Дмитрий Алексеевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлимининг катта нозира

**Девонов Улугбек Маматкулович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дехконбаев Иброҳим Имамкулович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дзюба Дмитрий Евгеньевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ёров Нажмиддин Нурмамадович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи ёрдамчиси

**Захидов Зоҳиджон Абдуваҳидович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исхаков Лутфулла Сагдуллаевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлимининг бўлима бошлиғи

**Камилов Сергей Леонидович** - Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари бирлашган штаби Ҳарбий ҳаво кучлари ўқув вертолёт эскадрильяси командири ўринбосари-штаб бошлиғи

**Каримов Зафаржон Махмудович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальони ҳайдовчиси

**Каримов Рустам Худаярович** - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қидирув-қутқарув гуруҳи қутқарувчиси

**Квон Владислав Валериянович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводнинг гуруҳ сапери

**Комилов Миржалил Хасанбаевич** - Сирдарё вилояти Ховос тумани ички ишлар бўлимининг катта тезкор вакили

**Коракулов Равшан Усматович** - Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Курбанов Аскаралли Турсункулович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг взвод командири

**Курбанов Фахриддин Камалович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-Фарбий ҳарбий округи

нинг взводи ўқловчиси

**Маджитов Энвер Нариманович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг батальон командири

**Маликов Шоди Хасанович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамажонов Махмуджон Мирзошарифович** - Фарғона вилояти Сўх тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари

**Махкамов Шавкатжон Гуламжанович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальонининг взвод командири

**Мирсаатов Йўлчи Худайбердиевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нематов Тимур Болтаевич** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахимов Нематжон Махмудович (мархум)** - Наманган вилояти Поп тумани ички ишлар бўлимининг инспектори

**Розумов Равшанбек Адамбаевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Рустамов Эркин Бобокулович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-Фарбий ҳарбий округи бригадасининг секция командири

**Рўзинов Иномжон Мўминович (мархум)** - Наманган шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбий лаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ўт ўчирувчиси

**Саитов Мурод Мансурович** - Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Келес" темир йўл божхона пости катта инспектори

**Сайдалиев Сайфитдин Кучкарович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бригада командири

**Салимов Ғолибжон Абдусаматович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон радиостанцияси бошлиғи

**Серкабаев Бахтиёр Абилович** - Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг кичик инспектор-кинологи

**Тешабоев Махаммаджон Уракович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турамирзаев Ахмадулла Мирзамахмудович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг назоратчиси

**Турдиохунов Солижон Ахмаджонович** - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг отлик гуруҳ командири

**Умаров Сардорбек Раҳимжонович** - Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

**Хазиев Закир Рауфович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батарея командири

**Хайтов Эшбой Махмудович** - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жино

ятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Сурхондарё вилоят бошқармасининг бўлими бошлиғи

**Ҳамидов Анвар Олимжанович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округининг взвод командири

**Ҳодиев Учкун Мансурович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жануби-Фарбий ҳарбий округининг бригада командири

**Худайкулов Озотжон Ахматкулович** - Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бўлимининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Эргашев Бобир Ибраҳимович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари

**Эштаев Улугбек Джуманович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг йўриқчиси

**Юлдашев Маруфжон Махаммаджонович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округининг взвод мутахассиси

**Юлдашев Миродилжон Джаборалиевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг взвод мутахассиси

**Юнусов Алишер Тулкунович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Ҳалимов Валерий Михайлович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари бош бошқармасининг батальон командири

**«ШУҲРАТ»  
МЕДАЛИ БИЛАН**

**Алламбергенов Менгес Мамутович** - Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманининг мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

**Алланазаров Ваҳиджон Адилжонович** - Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг катта терговчиси

**Багманов Юлдаш Гайсиевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг курол-аслаҳа синовчиси

**Гулямов Эльдор Равшанович** - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ўқитувчиси

**Занозин Анатолий Николаевич** - Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисми бошлигининг ёрдамчиси

**Исмаилов Энвер Расимович** - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий кимё-радиометрик лабораторияси бош

лиғи

**Камалов Суннат Шамилович** - Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Кутлимуратов Бахитбай Абдиқаликович** - Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Нукус автомобил мактабининг амалий машқ устаси

**Раҳимов Рустам Эметович** - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг навбатчилик қисми бошлиғи

**Рустамов Искандар Мирғиязович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг махсус авария-тиклаш хизматининг бўлим бошлиғи

**Сагатов Абдумаджит Маннапович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

**Сирожиiddinov Авазбек Зулунович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг катта техниги

**Тимошенко Алексей Юрьевич** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Ҳарбийлойиҳа» институти бошлигининг ўринбосари

**Тожибоев Нормад Ахмадқулович** - Чирчиқ ҳарбий судининг раиси

**Узаков Абдували Ортикович** - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

**Уринов Шавкат Бахрамович** - Қашқадарё вилояти Нишон тумани ички ишлар бўлимининг профилактика катта инспектори

**Усмонов Бултак Усмонович** - Самарқанд вилояти Нарпай тумани прокурори

**Ҳакимов Дияшод Муқимович** - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Фарғона вилоят бошқармасининг суриштирув бўлими бошлиғи

**Ҳамраева Гульнора Камаловна** - Жиззах вилояти прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими бошлиғи

**Хидиров Эшқул Тажибаевич** - Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг йўл-патруль хизмати инспектори

**Худояров Ширинбой Мардиевич** - Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейининг взвод командири

**Ярбеков Мансур Ахатович** - Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармасининг профилактика катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 12 январь.

И.КАРИМОВ

**Ҳеч бир соҳа спорт сингари мамлакатни дунёга тезда машҳур қилолмайди. Истиқлолнинг илк давриданоқ баркамол, соғлом авлодни камолга етказиш учун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Натижада Ўзбекистонимизнинг спорт соҳасидаги салоҳияти юзага чиқиб, дунё ўзбек спортчиларига қойил қолмоқда. Йилдан-йилга бу борада ўзига хос довлонлар забот этилмоқда.**

**Юртимиз номини жаҳонга кўз-кўз қилишда армия спортининг ҳам бекиёс улуши бор. Келинг, бундан айнан 2006 йил мисолида кўриб ўтайлик.**

Эътироф этиш жоизки, ҳарбийларимиз нафақат юрт ҳимоясидаги эзгу ишлари, балки спортдаги муваффақиятлари билан ҳам Ўзбекистон шаънини дунёга таратишмоқда. Бокс бўйича Осиё чемпиони, ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпиони, жаҳон чемпионатининг кумуш медаллари совриндори, Ўзбекистон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, катта лейтенант Дилшод Маҳмудовнинг истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйида Президентимиз Фармонига кўра «Шухрат» медаллари билан тақдирланган армиямиз спортининг ғалабаси бўлди. Бугун бу ҳарбий спортчи Ватан байроғини дунё узра марғур кўтариб, ёшларимизда миллий гурур, фахр-ифтихорни тарбияламоқда, дея баралла айтишга тўла ҳақимиз бор. Маълумки, 2006 йил сентябр ойида ҳарбийлар ўртасида Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида у олтин медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, ортда қолган йилда аёл ҳарбий хизматчилар ўртасида таэквандо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида бизнинг вакиллари, хусусан, Галина Хан олтин, Наталья Микрюкова кумуш медалга сазовор бўлганини ўзига хос жасоратга менгзасак мубо-

лага қилмаган бўлаамиз. Хорватияда ҳарбий хизматчилар ўртасида дзюдо бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида армиячиларимиз умумжамоа ҳисобида иккин-

гуруримиздир. Шунингдек, 75 килограмм вазн тоифасида рингга чиқиб, барча рақибларидан устун келган Куролли Кучлар хизматчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Элшод Расулов шарафига давлатимиз мадҳияси янграганида юракларимиз ҳаяжонга тўлган рост. Шубҳасиз, бу ўзбек спортининг, Ўзбекистон армияси спортининг том маънодаги ғалабаси эди.

Яна бир армиячи боксчимиз Курол-

ларга эришган армиячиларимиз талайгина. Булар дзюдочилар — Рамзиддин Саидов, Ўткир Курбонов, енгил атлетикачилар — Анастасия Журавлёва, Леонид Андреев, байдаркада эшак эшиш бўйича кумуш медаллар шодасини қўлга киритган Алексей Бобононов, Герасим Кочнев, трамплиндан сакрашда бронза медални қўлга киритган Екатерина Хилько ва бошқалардир. Қалбида шу халқнинг, шу юртнинг митти бир қиёфаси жам бўлган инсонгина ана шундай амалий ишлари билан Ўзбекистон довлонини дунёга танита олади.

Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда барча спорт базалари замонавийлаштирилмоқда. Кўплаб спорт мажмуалари, спорт саройлари, стадион, спорт заллари, спорт майдончалари, бассейнлар бунёд этилмоқда. Фақатгина сўнгги уч йил ичида Мудофаа вазирлигига қарашли спорт иншоотларини жиҳозлаш учун 511 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Икки йилдирки, муддатли ҳарбий хизматга қақирлаётганлар спорт либослари билан таъминланмоқда.

Дарҳақиқат, юртимиз равнақи, унинг дунё ҳамжамиятида тутадиган ўрни, макеи фарзандларнинг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқ. Қолаверса, ҳар томонлама баркамол, бақувват, соғлом ёшлари бор мамлакат ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Айни пайтда олиб борилаётган эзгу ишлар замирида ҳам ана шундай устувор мақсад мужассам.

**Р.САЙДАХМЕДОВА,**  
**«Ишонч» мухбири**

**Бугунги суҳбатдошимиз Ватан ҳимояси учун бел боғлаган инсонлардан бири — Тошкент ҳарбий округи қисмларидан бирининг тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Мамарасул Ҳусановдир. У Ватан ҳимояси йўлидаги фидокорона меҳнати боис Мудофаа вазирлигининг эсдалик нишони, Куролли Кучларнинг 10 йиллиги, Мустақиллик медаллари ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланган.**

— **Мамарасул ака, аввало сизни Ватан ҳимоячилари кунини ва юртимиз Куролли Кучлари ташкил этилганлигига 15 йил тўлиши муносабати билан чин дилдан қутлаймиз.**

— Раҳмат, байрам барчамизга муборак бўлсин. Чунки Ватан ҳимоячилари кунини фақат ҳарбийларнинг эмас, балки Ватан нелигини англаб етган барча юртдошларимизнинг байрамидир.

— **Суҳбатимизни мустақиллик йилларида Куролли Кучлар тизимида олиб борилаётган ислохотлар моҳияти хусусидаги мулоҳазаларингиз билан бошлашсиз.**

— Давлатнинг ўз Куролли Кучларига эга эканлиги шу мамлакат мавжудлигининг асосий белгиларидан биридир. Барча давлатлар армиялари ўз ҳудуди дахлсизлигини ҳимоя қилиш учун хизмат қилади. Миллий армиямиз ҳам бундан мустасно эмас. Куролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти Президентимиз айтганидек, пухта ташкил этилган, ихчам ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника воситаларига эга бўлган, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳаракат қила оладиган армияни шакллантиришдан иборат. Профессинал ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган сержантлар мактабларининг ташкил этилиши професинал армиянинг асоси ҳисобланади.

Малакали аскар ва сержантларни тайёрлашда қисм ва бўлимларнинг ўқув марказларини том маънодаги мактабга айлантиришга эътибор қаратилди. Таълим тизими босқичма-босқич оддийдан мураккабга қараб

ташкил этилди. Махсус тактик машғулотлар ва штаб машқларига услубий машғулотларга ҳамда моддий-ўқув базасини яратишга асосий эътибор қаратилди. Дала-

ташкил этилди. Махсус тактик машғулотлар ва штаб машқларига услубий машғулотларга ҳамда моддий-ўқув базасини яратишга асосий эътибор қаратилди. Дала-ташкил этилди. Махсус тактик машғулотлар ва штаб машқларига услубий машғулотларга ҳамда моддий-ўқув базасини яратишга асосий эътибор қаратилди. Дала-

— **Болалигидан ҳарбий бўлишни орзу қилмаган йигит бўлмаса керак. Бироқ ҳарбий соҳа эгаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Лекин уларнинг кўпчилиги Ватан олдидаги хизмат бурчини ўтайдилар. Ёшлар ҳаётида ҳарбий хизматнинг ўрни қандай?**

— Армия ёшларимизнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга тарбия мактаби ҳисобланади. Ҳарбий интизом инсонда масъулият ҳиссини янада тараққий қилишига сабаб бўлади. Уларни жисмонан ва руҳан чинқатиради, иродасини чарқлайди. Ёшларимизни ҳар томонлама баркамол, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бизнинг вазифамиз. Ва-

тан олдидаги масъулиятни ҳис қилиш инсон қалбида ватанга садоқат туйғуси шаклланишида асосий омил саналади. Ҳозирги глобаллашган, мафкуравий курашлар авж олган бир паллада куролли тажовулардан-да кучлироқ хавф бор. Яъни, мафкуравий кураш, таҳдид. Бундай хуружлар таъсирини тушиб қолмаслик учун инсондан билим, кенг дунёқараш билан бирга кучли ирода ҳам талаб этилади. Қола-

ли Кучлар хизматчиси Жасур Матчоновнинг Доҳада эришган ютуғи ҳам таҳсинга сазовор. У 91 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилиб кумуш медалга сазовор бўлди. Жасур олдин ҳам ҳарбийлар ўртасида Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритиб, Ўзбекистон армиячиларининг фахрли иккинчи ўринни забот этишларига ҳисса қўшганди. Катта лейтенант Дилшод Маҳмудов, шартнома бўйича хизмат оддий аскар Бекзод Хидировларнинг бронза медаллари билан Доҳадан қайтишгани Куролли Кучларимизда бокс борасида ўзига хос мактаб шаклланишини исботлайди. Бундан ташқари ўн бешинчи Осиё ўйинларида спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам ютуқ-

қўлига тушган қуролдан қандай фойдаланиши мумкин? Мана шу нарсани ўйлаш инсонни бунга йўл қўймасликка ундайди. Юрт ҳимоячиси Ватан нелигини англаган инсон деймиз. Тарбиявий ишлар ҳам табиийки, шунга қаратилган. Ҳарбий хизматчилар онгида Ватанга садоқат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, ҳарбий-ватанпарварлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаш,

катлари билан бу соҳада ўзаро фойдали ҳамкорлик олиб борди. «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастурига аъзо бўлди. Уларнинг барчаси мамлакатимиз Куролли Кучларининг ривожланишига хизмат қиляпти.

— **Миллий давлатчилигимизни шакллантиришда тарихимизда ёрқин из қолдирган шахсларнинг давлат бошқаруви тажрибасидан ҳам фойдаланиляпти. Айтинг-чи, Куролли Кучларимиз тизимида Амир Темур, Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби машҳур саркардаларимизнинг ҳарбий тажрибаларини ҳам ўрганиш йўлга қўйилганми?**

— Албатта. Салоҳиятда тенгсиз соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий тажрибаси, жанг тактикасини ўрганиш мақсадида «Темур тузуқлари»га қайта-қайта мурожаат қиламиз. Унинг қўшин руҳини кўтариш қудратига эга «Куч адолатдир», «Давлат лашкари ва Фуқароси ила қудратлидир», «Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди» каби ҳикматли сўзларидан аскарларимизнинг руҳий тайёргарлигини оширишда фойдаланамиз. Шунингдек, Бобурнинг 200 навкар билан Самарқандни қўлга киритгани, 12 минг аскар билан Панипат жангида 100 минглик қўшинни енггани, Темур Маликнинг бир ўзи 10 кишига бас кела олгани аскарларимиз учун ўзига хос ибрат мактаби саналади.

Аслида жасорат инсон қалбида бўлади. У ватанга бўлган севгидан туғилади. Юқорида тилга олинган аждодларимиз жасорати ҳам шундан. Истардимки, професинал армиямизда аждодларимиз каби ихтиёрий равишда ўз тақдирини ватан тақдири билан боғлаган мард ўғлонларимиз кўпайса,

## ЖАСОРАТ ЮРАКДА БЎЛАДИ



верса, миллий ўзлиқни англаш ватанпарварлик асосидир. Ўзлиқни англаш орқали табиийки, ўз юрти тарихига бўлган муносабат ҳам шаклланади. Бу эса унда янада чуқурроқ билим олишга иштиёқ уйғотади. Мана шу туйғуларнинг асоси ҳарбий хизмат жараёнида шаклланади.

— **Куролли Кучлар тизимида олиб борилаётган тарбиявий ишлар негизи қандай жиҳатларга асосланган ва қандай мақсад кўзда тутилган?**

— Республикамиз Куролли Кучларида фаолият юритаётган ҳар бир шахс ҳарбий салоҳиятга эга бўлишдан ташқари маънавий жиҳатдан ҳам етуқ бўлиши керак. Жоҳил киши

қўлига тушган қуролдан қандай фойдаланиши мумкин? Мана шу нарсани ўйлаш инсонни бунга йўл қўймасликка ундайди. Юрт ҳимоячиси Ватан нелигини англаган инсон деймиз. Тарбиявий ишлар ҳам табиийки, шунга қаратилган. Ҳарбий хизматчилар онгида Ватанга садоқат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, ҳарбий-ватанпарварлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаш,

қўлига тушган қуролдан қандай фойдаланиши мумкин? Мана шу нарсани ўйлаш инсонни бунга йўл қўймасликка ундайди. Юрт ҳимоячиси Ватан нелигини англаган инсон деймиз. Тарбиявий ишлар ҳам табиийки, шунга қаратилган. Ҳарбий хизматчилар онгида Ватанга садоқат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, ҳарбий-ватанпарварлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаш,

қўлига тушган қуролдан қандай фойдаланиши мумкин? Мана шу нарсани ўйлаш инсонни бунга йўл қўймасликка ундайди. Юрт ҳимоячиси Ватан нелигини англаган инсон деймиз. Тарбиявий ишлар ҳам табиийки, шунга қаратилган. Ҳарбий хизматчилар онгида Ватанга садоқат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, ҳарбий-ватанпарварлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаш,

— **Миллий армиямизнинг жанговарлик даражаси ва ҳарбий салоҳиятини оширишда хорижий мамлакат Куролли Кучлари тажрибасидан ҳам фойдаланиш самара берадими?**

— Ҳамкорлик ва тажриба алмашиш барча соҳада ўз самарасини бераётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Куролли Кучлар тизими ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Минтақадаги ҳарбий-сиёсий муаммоларни тинч йўл билан ечиш, жамоа хавфсизлигини вужудга келтириш, терроризмга қарши биргалликда курашиш мақсадида хориж армияларининг илғор тажрибалари ўрганилиб, кенг қамровли алоқалар йўлга қўйилган. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари, Россия Федерацияси, Германия, Франция ва дунёнинг бошқа етакчи мамла-

**Суҳбатдош: Мактуба МҮМИНОВА,**  
**«Ишонч» мухбири**

Хафталик TV дастури 15-21 январ

Душанба 15

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.45 "Тахлилнома", 8.45 ТВ анонс. 8.50 Олтин мерос. 9.00 "Олам ва одам" дастури: "Новий уммон қарида".

20.05 "ТВ шифокор". 20.10 "Оила ришталари". Телесериал премьераси. 20.50 "Дунё иқлими". 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 Эркин мавзу. 22.00 "Икки тақдир". Телесериал премьераси (Ҳиндистон).

YOSHLAR

15.55 Дастур очилиши. 16.00 Давр. 16.15 Тафаккур нури. 16.20 Joutal. 16.40 Истикбол тимсоллари. 16.50 Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт (тапор). 18.20 Мардлар кўриқлайди Ватаним!

TOSHKENT

17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультифильм. "Денгиз итлари". 18.05 "Телекуррьер - маркет". 18.25 "Анонс". 18.30 "Пойтахт" ахборот дастури. 18.45 "Анонс". 18.50 "Гвадалупе". Телесериал.

19.30 "Музыка SMS". 19.50 "Саломат бўлинг"/рус/. 20.00 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/. 20.15 "Анонс". 20.20 Хайвонат дунёси: "Мангустлар". 1-қисм/рус/.

SPORT-TV

7.00 "Бардам бўлинг". 8.00 "Версия". Информацион-таҳлилий курсатув. 8.30 "Болалар спорти". 8.50 "Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ". Мультифильм. 10.00 "Талқин". Информацион-таҳлилий курсатув.

ПЕРВЫЙ

5.00 Телеканал "Доброе утро" 9.00 Новости 9.15 София Ротару, группа "Виагра", Валерий Меладзе, Лолита в музыкальном фильме "Сорочинская ярмарка"

